



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 222 (11.283)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ
Янгиликлар, воқеалар

Киска сатрларда

- БУГУН Миллий матбуот марказида қиш мавсумига тайёргарликни маромига етказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
• БУГУН «Интерконтинентал» мехмонхонасида хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган дори-дармон маҳсулотлари ва технологияларининг кўргазмаси очилди.
• КЕЧА шахримизда Бугунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликларида шифокорлар иштирокида ўтказилган халқаро анжуман сил касаллигининг олдини олиш ва даволашда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш масалаларига бағишланди.
• ШАЙХОҲОХУР туман Давлат солиқ инспекциясида улғурчи савдоларни тартибга солишни аҳамиятига бағишлаб тадбир ўтказилди.
• КЕЧА Ўзбекистон Давлат консерваториясида Республика Бастакорлар уюшмаси ташаббуси билан уюштирилган «Давр садолари» мусиқа фестивали доирасида концерт дастури ташкил этилди.
• БУГУН Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри маданият уйлари раҳбарлари иштирокида уюштирилган семинар-тренинг «Маданият уйларида аҳолига сервис хизмати кўрсатиш» мавзусига бағишланди.
• КЕЧА Мирзо Улугбек туманидаги «Дархон» маҳалласида Республика Қизил Ярим Ой жамияти туман Кенгаши ҳамкорлигида маҳалла фаоллари иштирокида уюштирилган давра суҳбати Қизил Ярим Ой жамияти ташкил этилганлигининг 83 йиллигига бағишланди.
• БУГУН Миробод туманидаги Гафур Гулом ва Мирзо Улугбек номи маданият уйлари ҳамда 213-мактаб ҳамкорликларида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Маънавиятни белгилайдиган мезонлар» деб номланди.
• ШАХРИМИЗДА ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари ва соғлиқни сақлаш масалалари» мавзусидаги давра суҳбати шифокорлар, ҳуқуқшунослар иштирокида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан уюштирилди.
• ТЕМИРЎЛЧИЛАР маданият саройида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамкорликларида Тиббиёт ходимлари кунига бағишланган тадбир ва концерт дастури ўтказилди.
• КЕЧА Миробод туманидаги Гафур Гулом номи маданият уйида ўй ҳам-шираси курси битирувчиларига дипломлар топширилди, тадбир давомида бадий-хаваскорлик жамоалари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ТОШКЕНТДА АЛОҚА СОҲАСИДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМДЎСТЛИКНИНГ ЭЛЕКТР АЛОҚА ОПЕРАТОРЛАРИ КЕНГАШИ ҲАМДА ЭЛЕКТР АЛОҚА БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ҲАМДЎСТЛИК КОМИССИЯСИНING КЎШМА МАЖЛИСИ ИШ БОШЛАДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН, РОССИЯ, БЕЛАРУСЬ, МОЛДОВА, ҚИРГИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН АЛОҚА МАЪМУРИЯТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Форумда давлатлараро йўналишларда тармоқларнинг ишончлилигини ошириш, янги электр алоқа хизматларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатадиган алоқа каналларининг аxbорот хавфсизлигини яхшилаш масалалари кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, маж-лисда телеграф тармоқларини модерни-зация қилиш, уларни маълумотлар узатиш канал ва тармоқларига ўтказиш, ай-рим мамлакатларда рақамлаштириш ре-жалари, универсал телекоммуникация хиз-матлари фондцини шакллантиришда алоқа операторларининг биргаликда иштирок этиши ҳам муҳокама этилади.
Ўзбекистон алоқа ва аxbоротлаштириш агентлиги беш директорининг биринчи ўринбосари Х.Муҳитдинов мамлакатимизда Президент Ислоом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2010 йилгача Ўзбеки-стон Республикаси телекоммуникация тар-момини реконструкция қилиш ва ривожлан-




ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ, БОЗОР ТАЛАБИ, ХАРИДОР ДИД ВА ЭҶТИЁЖИ АСОСИДА ИШ ЮРИТАЁТГАН ИШБИЛАРМОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ҲАМ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШМОҚДА. ШУНИНГ БАРОБАРИДА ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИБ, ЁШЛАРИНИНГ ҲУНАРЛИ БЎЛИШЛАРИДА ЁРДАМ БЕРИШМОҚДА.

Тадбиркорлик
ХАРИДОРНИ ТОПМОҚДА

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани-да бир неча йилдан бун тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган Саодат Вакилова ва унинг шогирдлари тикаётган турли кий-им-кечаклару рўзгор ашёлари чиқи бозорда харидорларини топмоқда.
— Президентимизнинг тадбиркорликка оид қатор Фармон ва Қарорлари биз ишбилар-монлар учун алоҳида бир қулайлик бўлди, — дейди хусусий тадбиркор Саодат Вакилова. — Эркин фаолият юритишимиз омилли санал-ган ва бир қанча имтиёзларни берган мазкур муҳим ҳужжатлар, албатта мени ҳам илҳом-лантирди. 2005 йилда фаолиятимни тикув-чилик цехи очиб бошладим. 4 нафар шогир-дани билан турли буюртмаларни бажардик. Пойтахтимиздаги шифона, санаторийлар

Нашрда ёзилишича, СМРИ илк хорижий бўлимини очиб учун айнан Ўзбекистон танла-нининг аҳамиятли жиҳати шун-даки, мамлакатда аҳоли савод-хонлиги даражаси нихоятда ба-ланд бўлиб, мазкур курсаткич 98 фоиздан юқори. «БМТ маъ-луотларига кўра, Ўзбекистон маориф соҳаси энг юксак ривож топган давлатлар қаторига ки-риб, бу курсаткич 0,92га тенг-дир, дунё бўйича ўртача курсат-кич эса 0,77ни ташкил этади», — деб ёзади «The Business Times».
Институтнинг Тошкентдаги бўлими биносининг қиймати 20 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у Квинстаундаги марка-зий ўқув биносидан бир ярим баробар каттадир. Бинонинг расмий очилиш маросими 12 но-ябрь куни бўлиб ўтиши кўзда ту-тилган.
Институтнинг илк 300 нафар талабаси жорий йил октябр ой-идан ушбу ўқув юртида сабоқ олиши бошлаб юборди. Док-тор Тейвэндраннинг сузларига кўра, келгусида бу ерда беш минг талаба таълим олиши

дўстлиқнинг операторлари кенгаши тарки-бига киради, унинг йирик халқаро лойиҳа-ларида фаол иштирок этиб келмоқда, хо-рижий операторлар ва телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқарувчи компания-лари билан биргаликда ҳаракат қилмоқда.
Бундан ташқари, қўшма мажлис ишти-рокчилари МДХ мамлакатларининг бир-бири билан ўзаро боғлиқ телекоммуникация ма-конини босқичма-босқич ташкил этиш жа-раёни, яқин келажақда Алоқа соҳасида ми-нтақавий ҳамдўстлик фаолият дастурини му-ҳокама этмоқда, жаҳон аxbорот ҳамжамия-тига интеграциялашиш зарурлигини таъкид-ламоқда. Ҳозир бугун дунёда бўлгани каби МДХ мамлакатларида ҳам энг янги аxbо-рот-коммуникация технологиялари жадал сурьатда жорий қилинмоқда ва бу жараён Ҳамдўстлик маконида энг устувор вазифа-лардан бири бўлиб қолиши керак.
В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири



рижий тикув машиналари яқин мададорга айланган.
Хусусий тадбиркор пойтахтимизда ўт-казилаётган кўрик-танлов, кўргазма ва бошқа тадбирларда ўз маҳсулотларини фаол на-мойиш этиб, муваффақиятларга эришмоқда, кўрлаб буюртмачиларга эга бўлмоқда. Шу боис ҳам келгусида у тикув цехини кенгай-тириб, «Гурчарик» маҳалласида истикомат қилувчи хотин-қизларни иш билан таъмин-лашни, янги маҳсулот турларини яратиб, бо-зорга чиқаришни, харидорларга манзур этишни режалаб турибди. Зеро, изланганга толе ёрлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Эзу-нян йўлида интилаётган хусусий тадбиркор ҳам ўз толеини тинимсиз меҳнати, изланиш-лари боис яратишни мақсад қилган.
Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: хар бир маҳсулотда Са-одат Вакилова ва моҳир чеварларнинг маҳорати мужассам.
Ҳакимжон Солихов олган суратлар

СМРИ БОШ КОТИБИ:
«ЎЗБЕКИСТОН БИЗ УЧУН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ КАЛИТИ БЎЛАДИ»

СИНГАПУРНИНГ ЭНГ ЕТАКЧИ ГАЗЕТАЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН «THE BUSINESS TIMES» САҲИФАЛАРИДА СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ БОШ КОТИБИ, ДОКТОР Р. ТЕЙВЕНДРАН БИЛАН СУҲБАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. УНДА МАЗКУР НУFUЗЛИ ИНСТИТУТНИНГ ХОРИЖДАГИ БИРИНЧИ БЎЛИМИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИЛГАНИ ХУСУСИДА СЎЗ БОРАДИ.

нинг хорижий давлатлардаги фа-олиятини кенгайтиришига ҳаракат қилмоқда, — дея давом этади Р. Тейвэндран. — Энг қулай ҳам-корлар сифатида Ўзбекистон ва Хи-тоЙ кўриб чиқилган эди. Бирок СМРИ Ўзбекистон Банклар Ассо-циациясининг ўрта бўгин раҳбар-ларини тайёрлаш борасидаги умумий қиймати 300 минг АҚШ долларига тенг бўлган шартно-масига эришгандан сўнг, қисқа вақт ичида режаларимиз ўзгарди ва томонлар ўртасида муносабат-лар қизгин ривожлана бошлади. Натяжада, СМРИнинг Тошкентда-ги бўлимини очиб тўғрисидаги

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

ТАБИЙ ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИШ, УЛАРНИНГ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАБ БОРИШ ХОНАДОНЛАРИМИЗ ОБОДЛИГИ КАФОЛАТИДИР.

Кундалик ҳаётимизда табиий газ ва электр энергияси-нинг аҳамияти бениҳоя катта. Айниқса, куз-қиш мавсумида бу неъматларнинг қадрини янада чуқурроқ ҳис этамиз. Айтайлик, хондонимизда бир кун газ ёки чирок бўлмаса, қанчалик ташвиш туғилади, қайфиятимизга таъсир қилади.
Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов раҳнамолигида бар-ча жаҳалларда амалга оширилаётган ишхорлар аввало ин-сон мафратларини таъминлашга қаратилган. Хусусан, ахри-нинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, маиший шароитини тобора яхшилаб бориш Юртбошимизнинг до-имий эътиборида. Бу борада аҳоли хондонлари, ижтимоий муассасалар, идора ва ташкилотларни узлуксиз табиий газ ва электр энергияси билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимизнинг шу йил 29 майда қабул қилинган «Республика иқтисодийоти тармоқлари»ни 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган.
(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Термиз шаҳрида «Фуқаролар йиғинла-рининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловин-нинг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Ўзбе-кистон Хотин-қизлар кўмитаси ва «Маҳал-ла» жамғармаси ташаббуси билан ўтказил-ган тадбирда танловнинг Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоят босқичларида голиб чиққан маслаҳатчилар ўзаро куч синашдилар.
• Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Осийё тараққиёт банки ҳамкорлигидаги «Оналар ва болалар сало-матлигини муҳофаза қилиш» лойиҳа доира-сида Андижон вилоятидаги туғруқхоналар-да кенг кўламдаги таъмирлаш-тиклаш иш-лари амалга оширилди. Жумладан, 22 та туғруқхона капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Кейинги бос-қичда ушбу муассасаларни замонавий тиб-биёт жиҳозлари билан таъминлаш ишлари бажарилади.
• Зарафшонда фаолият юритаётган рус, қозок, татар-бошқирд маданий марказлари қаторига янгидан ташкил этилган Озарбой-жон миллий-маданий маркази ҳам қўшилди.
• Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси-да истеъодли мусаввир Аслиддин Исаев ижодига бағишланган кўргазма очилди. Тур-ли йилларда Париж, Москва, Калькутта каби шаҳарларда ўтказилган халқаро кўргазмалар-да муваффақиятли қатнашган муаллиф бу гал табиат гўзалликлари, юрт манзаралари акс эттирилган юздан зиёд асарларини санъ-ат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этди.
• Андижон шаҳрида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Одам савдосининг олдини олиш ва одам савдоси қурбони бўлганлар-га ёрдам кўрсатиш» мавзусида семинар ую-штирилди.
• «Ўзбектелеком» акциядорлик компани-ясининг «Хоразмтелеком» минтақавий фи-лиали ўз мижозларига алоқа хизматининг 32 та қўшимча турини йўлга қўйдди.
• Тошкентдаги 7-автокорхона маъмури-яти Зангиота тумани аҳолиси учун яна бир қулайлик яратди. Қаторлот қишлоғи билан Пахтакор майдонини боғловчи 56-йўналиш-да ISUZU автобуслари қатнай бошлади.
• Фаргона шаҳрида дўстлик форуми ўтқа-зилди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган мил-лий-маданий марказлар ўз аънавий бай-рамларини яқинлашиб келаётган Ўзбеки-стон Республикаси Конституцияси кунига ба-ғишлашди. «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» мавзусида концерт дастурида 20 дан ортик ўзбек, қирғиз, татар ва бошқа миллатлар ансамбллари ҳамда концерт гу-руҳлари қатнашди.
• «Кафолат-сервис» курилиш компания-си Тошкент вилояти ҳудудида турли-туман иншоотларни бунёд этишда фаол қатнаш-моқда. Хусусан, ҳозирда ушбу курилиш таш-килоти Фазалкентда тўқмачилик комбина-тини бунёд этаётир. Жорий йил охирида фойдаланишга топширилаётган мазкур ин-шоотда ҳозирда пардозлаш ишлари кетмоқ-да, асбоб-ускуналари монтаж қилиш бош-ланди. Комбинатнинг ишга туширилиши ту-маннинг иқтисодий салоҳиятини ошириб, беш юзта янги иш ўринлари яратилишига имкон туғдиради.

ЖАҲОНДА

- Халқаро атом энергияси агентлиги (МА-ГАТЭ) инспекторлари Сурия ҳудудида уран моддаси мавжудлигини аниқлади. Айни дам-да ураниннг ҳажми ҳақида аниқ маълумот-лар йўқ. Шу сабабли, МАГАТЭ қисқа муддат ичида махсус тадиқот ишларини олиб бор-моқчи.
• Россиянинг «Газпром» компанияси Ук-раина билан келгуси йилда ушбу мамлакат-га камиди 55 миллиард куб метр газ етқа-зиб бериш юзасидан келишиб олди.
• АҚШ маъмурияти Эронга нисбатан қўлланялаётган фавқулдда ҳолатни яна бир йилга узайтирди.
• Ироқнинг Бағдод шаҳрида бир йўла учта террорчилик ҳаракати амалга оширил-ди. Портловчи қурилмаларнинг иккитаси ма-шиналарга ўрнатилган бўлиб, учинчиси тер-рорчи-камикадэ томонидан ҳаракатга кел-тирилган. Портлашлар оқибатида 28 киши ҳаётдан кўз юмди, 68 киши турли даража-даги тан жароҳатларини олди.
• «Нерпа» атом сув ости кемасидаги но-созликлар сабабли бир неча кишининг ҳаёт-дан кўз юмиши муносабати билан бугун Рос-сиянинг Хабаровск ўлкасида мотам куни эълон қилинди.
• Хитойнинг шимоли-ғарбида жойлашган Цинхай музофотида Рихтер шкаласи бўйи-ча 6,5 балли zilзила содир бўлди. Ҳозирча талафотлар тўғрисида маълумотлар йўқ.
• Лондон шаҳри мэри Борис Жонсон те-кис томили уйларнинг томини сабзаёт етиштиришга мослаштириш таклифи билан чиқди. Агар ушбу таклиф амалга ошса, ша-ҳарда жами 27 минг гектарга яқин янги экинзорлар пайдо бўлади. Пойтахт ҳокими-яти вакилларининг фикрича, бу шаҳардаги экологик ҳолатнинг яхшиланишига ҳам ёрдам беради.
• Ростов областининг Батайск шаҳрида кўп қаватли уйда маиший газнинг портла-ши оқибатида бир киши ҳалок бўлган, уч киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган.

Оз-Оз ўнганда Домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР

“Лайли ва Мажнун”дан

(Олимжон Бўриев таржимаси)

Бу дунёда борки ақлли одам,
Бировнинг гамидан севинмас ҳеч ҳам!

Дахр паймонаси захардир албат,
Лутфини қаҳр ила тутади фақат.

Ошиқ, ҳамиша покиза хилқат.

Ҳар зарра донога бўлур намоён.

Мехрдан меҳр тугилгай.

Бу илм дарёси, туби йўқ чуқур,
Изласанг топилар сен ахтарган дур.
Ҳар бир топганинга қилма қаноат,
Изла ундан яхши сиру синоат...

Доимо йўлингда, бўлгилки, огоҳ,
Бойлигу шухратдан қазилган юз чоҳ,
Жоҳиллик қилмагин йўлдан қоқиб,
Кетма нодонлардек чоҳга йиқилиб,
Тақдир қароқчиси, хушёр бўл, ахир,
Сийму зари билан этмасин асир.
Кумушу олтинга қўймагин ҳавас,
Йўлингдан тўхтама асло бир нафас.

Ҳар бир саҳий кимса этганда қарам,
Саховати бирла эрур мукаррам.

Бу элнинг одати эрур доимо,
Мақталар нарҳидан ошиқча мато.

Кўлингдан келса гар яхшилик кидир,
Айбини излашга уринма ҳеч бир!

Ишни ўзинг қилиб аввалдан расво,
Бошқаларга тўнкаб юрма сўнг асло!

“Саламон ва Абсол”дан

(Олимжон Бўриев таржимаси)

Кексаликда одам бўлур ногирон,
Ҳеч табиб тополмас дардига дармон.

Ақлнинг душмани шароб, эй хушёр,
Дўстни мағлуб қилма душманга зинҳор.
Икки юз хазина зар бўлур абас,
Бир томчи шаробдан тотган бўлсанг бас!
Оқил умр бўйи қон ичса авло,
Ақлу хушин сотмай шаробга асло.
Паёнай қадаҳлар сипкоргани он,
Обрўю бор илми бўлади ясон.
Ақлидан ажралиб гўё батамом
Умри телбаларча этади давом.
Умрбод май ичган шарманда бўлгай,
Ўздан кечиб, майга у банд бўлгай.
Қанча шароб ичиб бўлмагин шодон,
Фафлатда ўтади умринг, эй нодон.

Подшоҳ ўз нафсини тиёлмас зинҳор,
Бир ҳақим бўлмаса унга мадакор.
Салтанатда кўпиб ҳар хил мижор,
Ҳукмига бош эгмай кўяр фуқаро.
Адлу зулм сифати унда қолмаса,
Зулму адолатни фарқлай олмаса.
Адолат қилмасдан бўлса зулмкор,
Адолатдан қилса золим каби ор.
Унинг жафосидан юрт вайрон бўлур,
Инсофсиз хукмрон беомон бўлур...

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Ёшлар — келажакимиз

МУЗЕЙДА МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЮРТ ИСТИҚБОЛИ ВА КЕЛАЖАГИ БЎЛГАН ЁШЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИК, ЯРАТИЛАЁТГАН КЕНГ ИМКОНИАТЛАРГА ЖАВОБАН ЁШЛАР ҲАМ ЎЗЛАРИНИНГ ИСТЕЪДОДЛАРИ, ЎТКИР БИЛИМ ВА САЛОҲИАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИБ, УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ КЎЛГА КИРИТМОҚДАЛАР.

Ёшларнинг ҳар томонлама билимли, ақлан етук, комил инсон бўлиб вояга етишлари ҳамда уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш ва юзага чиқариш йўлида амалга оширилаётган саяё-ҳаракатлар диққатга сазовор бўлмоқда. Бу борада Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар эътиборга моликдир. Жумладан, куни кеча марказ томонидан «Олимпия шон-шухрати» музейида «Ўзбекистон ёшлари — бизнинг келажакимиз» шiori остида Пекин Олимпиадаси — 2008 катнашувчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Мирзо Улуғбек туманидаги олий ўқув юрти талабалари, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг ўқувчилари катнашдилар. Талаба-ёшлар ўртасида бўлиб ўтган маъна-

вий-маърифий тадбирни Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Мирзо кириш сўзи билан очиб берди. Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, «Олимпия шон-шухрати» музейи раҳбари Э.Эрназаров, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари И.Абдуғаниев ва бошқалар сўзга чиқиб, ёшлар мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги, халқимизнинг сунъи ва таянчи эканлигини, бугунги кунда ёшларга қаратилаётган эътибор ва гамхўрликлар ҳақида гапириб, айниқса спорт соҳасида ёшларимиз кўлга киритаётган ютуқлар, жумладан, Пекин Олимпиадасида иштирок этган ўзбекистонлик спортчиларни фахр билан тилга олдилар. Уларнинг юртимиз довуғини бутун дунёга таратиб, муносиб ютуқларга эришиб қайтганларини мамнуният билан сўзла-



дилар. Ва мана шундай учрашувлар ёшларимизни ҳар томонлама комил, юксак маънавият эгаси қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлишини таъкидладилар. Бундай учрашувлар замирида ёшларнинг қалбида ватанпарварлик, она Ватанга садоқат, эътиқод туйғуларини ошириш каби эзгу мақсадлар муҳимлигини кайд этдилар. Шундан сўнг

олимпиада катнашчилари ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди. Учрашув талаба-ёшларнинг ранг-баранг бадиий чиқишлари билан якунланди.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТДА: «Олимпия шон-шухрати» музейида бўлиб ўтган учрашувдан лавҳа

КЎРГАЗМАДА САРА АСАРЛАР

МИЛЛИЙ САЪНАТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ АЛИШЕР МИРЗОНИНГ «ЭСКИ ШАҲАР ФАРЗАНДИМАН» НОМЛИ КЎРГАЗМАСИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.

Унда тасвирий саънат мухлислари рассомнинг 100 га яқин асарларини кўздан кечиришди. Тадбирда сўзга чиққанлар ранг-тасвир бу қалб кечинмаларининг сўзсиз ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлашди. Дарҳақиқат, инсонлар ҳар доим ҳам эътибор қилмайдиган табиат мўъжизасини, унинг гўзаллигини рассом нигоҳи билан англаб асарларида ифода этади.

Кўрғазмада Алишер Мирзонинг портрет, манзара, натюрморт, маънавий жанрларда ишланган энг сара асарлари намоийш этилди. Рассомнинг боқийликка шоирона ёндашуви ва ижодий фаолиятида ёрқин ранглардан самарали фойдаланиши унинг асарларига ўзига хос руҳ бахш этган. Кўрғазмага қўйилган асарларни томоша қилар экансиз, ҳар бирида ўзига хос услуб, ўзгача дунё акс этганини кўриш мумкин. Айтиш жоизки, кўрғазманинг «Эски шаҳар фарзандиман» дея номланиши ҳам бежиз эмас. Чунки рассомнинг энг жозибадор, миллийликка йўрилган, болалик йиллари ўтган пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги хотиралари ўз аксини толган асарлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда таъкидланганидек, А.Мирзо маънавий ижод намуналари билан дунёнинг турли мамлакатларида бўлиб, хорижликларга ўзбек миллий урф-одати, анъана ва қадриятларини намоийш этган рассомдир.

Спорт янгиликлари

ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — ФИНАЛДА

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЯРИМ ФИНАЛ УЧРАШУВИ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ УЧУН КЎНГИЛДАГИДЕК ЯКУНЛАНДИ.

Очилини айтганда кўпчилик мутахассислар чорак финалда Япония футболчилири устидан 3:0 ҳисобида галаба қозонган Жанубий корейликларнинг имкониятларига юқори баҳо беришганди. Дарҳақиқат, 90 дақиқа давомида Жанубий корейлик ёш чарм тўп усталари ажойиб ўйин намоийш этишди. Бироқ, «майдон текис, тўп юмалоқ» деганларидек, ҳимояда ва қарши ҳужумда бехато ўйнаган ҳамюртларимизга омад қилиб боқди. Учрашувнинг 17-дақиқасида Шерзод Каримов томонидан рақиблар дарвозасига киритилган чиройли гол ўйин охиригача ағоналигича қолди ва Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари 1:0 ҳисобидаги ажойиб галабани кўлга кириштириб финалга йўл олишди.

Осиё чемпионатининг БАА — Австралия ёшлар терма жамоалари ўртасидаги иккинчи ярим финал беллашувида араблар 3:0 ҳисобидаги шов-шувли галабга эришишди.

Энди финалда Ўзбекистон — БАА терма жамоалари Осиё чемпионлиги учун ўзаро кураш олиб боришади. (Ўз муҳбиримиз)

«ОСИЁГА НАЗАР» ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

ПОЙТАХТДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ (ОФК) НИНГ «ОСИЁГА НАЗАР» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА НАВБАТДАГИ СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда асосий эътибор мазкур дастурнинг Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятидаги ижросига қаратилди.

Маълумки, «Осиёга назар тараққиёт лойиҳаси» жорий йилнинг февраль ойида бошланган эди. Минтақавий ташкилот мутахассисларининг таъкидлашича, ўтган қисқа давр мобайнида дастур тартибига киритилган ўн битта йўналиш бўйича ижобий натижаларга эришилган. Жумладан, Ўзбекистонда профессионал футбол лигасига асос солинди, клубларнинг инфратузилмаси ҳам такомиллаштирилди. Пойтахтда ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати юқори савияда ўтди. Тошкентнинг «Бунёдкор» клуби Осиё чемпионлар лигасида ярим финалга қадар етиб борди.

Тадбирда лойиҳа директори Брендин Ментин шу каби муваффақиятларни яна бир қарра эътироф этиб, пойтахт ва Бухоро вилоятларида тадбиқ этиладиган дастур ҳақида маълумот берди. Унда асосан бешта йўналиш: футбол бошқаруви, клубларга мусобақалар, мураббий ва ҳакамлар билимини ошириш ҳамда болалар ва ўсмирлар футбол бўйича жойларда ўқув курслари, назарий ва амалий машғулотлар ташкил этилади.

Бу каби семинар тадбирларини ўтказишдан қўзланган мақсад албатта юртимизда миллионлар йилини янада тараққий эттириш, клублар ўртаси-

даги рақобатни кучайтириш, малакали мураббий ва ҳакамларни тайёрлаш ҳамда миллий терма жамоа ўзагини кучайтиришдан иборат.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ТАРАДУД

ЯНА БИР НЕЧА КУНДАН СЎНГ КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТУРКИАНИНГ ИСТАМБУЛ ШАҲРИГА ЖЎНА КЕТАДИ.

15-16 ноябрь кунлари Туркияда бўладиган жаҳон чемпионатида дунёнинг олтидан эъди давлатларидан келган полвонларнинг иштироки кутилмоқда. Унда эркеклар еттига, аёллар бешта вазнда гиламга чиқади.

Айни пайтда кураш ватани шарафини ҳимоя қиладиган етакчи полвонлар пойтахтдаги «Сағбон» спорт мажмуасида мураббий Мурод Дўстимбетов ва Машҳура Мавлоновалар бошчилигида сўнгги машғулотларни ўташмоқда. Ўн икки кишилик таркиб бу йилги мамлакат чемпионати якунларига кўра аниқланган бўлиб, улар орасида халқаро мусобақаларда муваффақият қозonganлари ҳам бор. Жумладан, 73 килограмм вазн тоифасида катнашадиган Яхё Имомов Англияда ўтказилган турнирда голибликни кўлга киритган. 81 килограммда гиламга чиқадиган Баҳодир Ганиевга ҳам мураббийлар катта ишонч билдиришмоқда. Жамоанинг қолган аъзолари учун жаҳон чемпионати дастлабки йирик синов бўлади.

Рустам ХАЙДОРОВ,
«Туркистон-пресс»

ҲАМЮРТИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ОФИР АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЖАМОАВИЙ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шуниси қувонарлики, қитъамизнинг 20 та мамлақати спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.

Жумладан, 85 килограмм вазн тоифасидаги бахсларда Мансур Чашников даст кўтаришда 156, силтаб кўтаришда 180 килограмм натижага эришиб Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлди.

Шунингдек, ҳамюртларимиздан Ғиёс Аҳмедовга ўз вазн тоифасида кумуш медалга эришган бўлса, Руслан Макаров, Руслан Алпанов, Субҳон Қобулов, Баҳром Мендусбоевлар бронза медаллари билан қифояланди.

(Ўз муҳбиримиз)

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «MUKAMMALLIK SARI» хусусий корхонаси ўз номи «MUKAMMALLIK SARI» масъулияти чекланган жамияти қилиб ўзгартирилганини маълум қилади.

«MUKAMMALLIK SARI» хусусий корхонасига нисбатан давволар бир ой ичида кўриб чиқилади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-1006

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3282 нусxada босилади.

Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.